




# ИШШОНЧИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг газетаси

22

1994 йил  
28 май —  
3 июнь  
(164)



## ДЎМБИРА САЙРАДИ, КУЙЛАР ЯНГРАДИ...

Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари


Дўст ҳақида, дўстлик ҳақида қўшиқлар кўп, мадҳиялар, шеърлар кўп. Дўст ҳақида, дўстлик ҳақида буюк мутафаккирларимиз яратган нодир асарлар кўп. Халқлар ўртасида меҳр-оқибат, тотувлик, иноқнинг ҳис туйғулари билан йўғрилган газалларга куйлар басталаниб, қадим-қадимлардан бери оғиздан оғизга кўчиб келади. Давр гоёлари билан бойиб, янги-янги шакл-шамойил топиб, тилдан тилга ўтиб келади. Чунки бирлашган ўзар, деганларидек, дўстларнинг қанча кўп бўлса, мушкулнинг шунча осон барҳам топади, хонадоннинг бут, юртинг фаровон, турмушинг гаштлӣ. Яқин-йироқ, улфатсиз умринг, қўлга киритилган бахтинг эса зерикарди, орттирган давлатнинг бесамар, беқадрдир. Шунинг учун остопа босиб кирган дўстинг отангдан улуг, уйингнинг тўри уники, тўкин дастурхоннинг пешвоз. Ўзаро суҳбатларнинг, бирга айтган ўланинг, шеърхонлигинг суюкли, ниятларинг буюкли.

ЎТГАН ҳафта ичи юртимизнинг эъзозли меҳмони бўлган қозоқ тувуқонларимиз, азалий эгиз оғалар билан шундай тотли, ҳаяжонли дамларни бошдан кечирдик. Диллар кўшдаи чарақлаб, гуллар нурафшон, тиллардан эса кўшиқлар аримади. Юртимизнинг жамоли юзлар очилиб, кундай яшнади. Чирмандага жўровоз дўмбиралар авж олиб, жирлар янгради. Қўркам хибоблар, мовий осмонимиз узра Жезқозгон маъданларидай жаранглади кулгулар. Чирчиқ каби соз фазогир Бойқўнғир нафаси, Оҳангарон сафдоши Қараганда саси, Тошкентга елкадош Алматы шоднәнаси тўтди атрофини.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев бошлиқ Ўзбекистонда Қозоғистон кунларини ўтказиш учун ташриф буюрган олти юзга яқин маданият ва фан арбоблари икки қардош халқ дўстлиги нишониси мисол тантанали байрам мавж уришига сабаб бўлдилар. Вилоят марказлари, шаҳарлар, туманлар аҳли икки буюк халқ санъати дурдоналаридан баҳраманд бўлдилар, севинчга тўлдилар. Чунки халқларимиз шундай мароқли учрашу, тантаналарни азалдан эъзозлайди, ҳамиша зўр ҳаяжон ва иштиёқ билан кутади уни. Завқли дийдор кўришишлар, дўстона учрашувлар икки халқ қалбиди эртанги ёрқин, фароғатли кунларга нисбатан умид ва ишонч уйғотиши билан бирга уни яқин қилади. Ўзбекистон касба уюшмалари билан Қозоғистон касба уюшмалари ўртасида ҳам инсон манфаатлари, меҳнаткаш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик мавжуд азалдан. Мамлакатимиз Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов пойтахтимизнинг ҳашаматли биноси "Туркистон" саройида Қозоғистон кунлари тантанали очилиши муносабати билан сўзлаган нутқини қуйидагича бошлади:

— "Бизлар буюк Турон днәрида униб-ўсиб икки оға-ини халқимиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ҳам, динимиз ҳам муштарақдир. Қадим-қадим замондан Туронзамин деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман — барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар, ям-яшил, серҳосил далаларда чорва боққанлар, деҳқончилик қилганлар..."

Дарҳақиқат, Туронзамин халқлари бир дарёдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ёнма-ён ўсиб, улғайган улкан дарахтларни эслатади. Уларнинг илдизлари шунчалик бир-бири билан чатишиб кетганки, энг синчков, манман деган мутахассис ҳам уни минг текшириб, кўздан кечирмасин, қайси тармоқ



қайси элат илдизига тегишли эканлигининг фарқига боролмай боши қотиши шубҳасиз.

— "Биз қозоқлар ва ўзбеклар, қозоғистонликлар ва ўзбекистонликлар биргалигимизнинг ана шу кўзга кўринмас, лекин мустаҳкам риштасини ҳамиша сезиб турамыз,— деди ўзининг жавоб сўзида Нурсултон Назарбоев ҳам — бу нарса, айниқса, ҳозир, Қозоғистон билан Ўзбекистон ўз давлатини барпо этишининг ягона ва мураккаб йўлидан бораётган пайтда яққол сезилмоқда".


Дарвоқеа, азалу азал дала-дашту тоғларимиз, боғларимиз бир-бирига, туташ, йўлларимиз, чўлларимиз, қолаверса, қалбимиз туташ, аҳдимиз, олий мақсадимиз, эзгу ниятлар омихта яккаш. Бир дугорнинг икки торимиз. Ана шундай аҳил, иноқ икки халқ шоднәнаси бир ҳафта бўйи юрт кезди. Меҳмонларнинг йўллари қайси элат билан туташмасин эгачи-сингил бир-бирини топгандай, соғинган қўнғил дилкашини кўргандай, оғасини, қуданда, уруғ-аймоғ аждодини учратиб, ниҳоят бағри тўлган мисол очиқ чехра билан, бахтиёрлик туйғуси қалбдан жўшиб, кучоқ очиб кутиб олиндилар. Гуллар ёмғирдай ёғилди, гулдасталар поёндоз бўлди. Тарона таронага уланиб, қўшиқлар ўланга, рақслар рақсга, яллалар лапарга, базм базмга, тўй тўйга кўшилди.

Икки давлатнинг икки раҳбари Тошкентдаги янги қад тиклаган "Юнусобод" спорт мажмуининг шинам биносини бориб кўрдилар.

"Экспоарказ"га ташриф буюриб, республикамиз халқ ҳўжалигининг турли тармоқларидан ишлаб чиқарилган олий сифат маҳсулотлар намуналари, фан ва техника ютуқларини кўздан кечирдилар, гавжум гўшалар, серфайз ҳовли, уй-хонадонларни куй-қўшиққа тўлдирдилар. Яна дўмбиралар янгради, жирлар авж олди. Бу сахийлик, саховат рамзи бўлган ажойиб байрам шу йил кузда Қозоғистонда яна давом этишига келишилди. Қозоқ дўстларимиз барча-барчани ўз юртларига таклиф қилдилар. Ҳақиқатдан ҳам шу йилнинг кузида Ўзбекистонлик маданият ва санъат вакиллари, фан арбоблари қозоқ дўстларимиз ҳузурда бўлиб, ўз маҳоратлари, ютуқларини намойиш этадилар. Ҳар юртда шундай маросимлар бор бўлаверсин, борди-келди ўртада такрор ва такрорланаверсин.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.

### Хабарлар мағзи



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Фармонига кўра 1994 йил 1 июнидан бошлаб Меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдори ўрта ҳисобда 1,5 баробар оширилиб, иш ҳақининг энг оз миқдори 70 минг сўм-купон қилиб белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов Буюк Британиянинг "Меридит жонс групп" компаниясининг раиси Найжел М. Жонси қабул қилди. Учрашууда ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ҳам фикрлашиб олинди.

"ЎЗБЕКТУРИЗМ" миллий компанияси биносиди Буюк Британиянинг 25 та йирик компанияси вакилларида иборат делегация аъзолари ҳамда республикамизнинг бир қанча вазирликлари, муассаса ва идоралари раҳбарлари, ишбилармонлар иштирокида ўзаро савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга хизмат қиладиган амалий музокаралар бўлиб ўтди.

РЕСПУБЛИКАДА миллий хавфсизлиқни таъминлашдаги кўп йиллик самарали хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизматининг раиси фулом Алиевич Алиев мамлакатимиз Президентининг Фармонига биноан "Жасорат" медали билан мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН шаҳарсозлик илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтининг лойиҳалаш бosh меъмори Александр Николаевич Зотов Республикаимиз Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

"ХАЛҚ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида" ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 5 май куни қабул қилган Қонуни республика кундалик газеталарида эълон қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари қатнашчиларининг бир гуруҳига "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонлари ва Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиқлари берилди.

ТОШКЕНТДАГИ Халқлар Дўстлиги саройида Европа Иттифоқи комиссиясининг ТАСИС (МДХ мамлакатларига техник ёрдам кўрсатиш) минтақавий дастури бўйича раҳбарлар гуруҳининг давлатлараро учрашуви бўлди.

ТОШКЕНТ шаҳрида Қозоғистон Республикасининг элчихонаси очилди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### Ҳ. ШАРОФУДДИНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этаётгани учун Сурхондарё вилоят қасаба уюшмалари кенгашининг раиси Ҳимойиддин Шарофуддинович Шарофуддинов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри,  
1994 йил 26 май.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати мамлакатимиз Президенти Фармонига биноан Сурхондарё вилоят қасаба уюшмалари Кенгашининг раиси Ҳимойиддин Шарофуддинович Шарофуддиновга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи берилганлиги муносабати билан самимий табриклаб, унга сиздат-саломатлик тилайди.



Суратларда:  
Ўзбекистонда  
ўтган Қозо-  
гистон кун-  
ларидан лав-  
ҳалар.  
(ЎзА).

# УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида 1994 йил учун ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўзаро Битим имзоланди. Мазкур Битим иқтисодий ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, уларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлашга, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида фуқаролар тотувлигига эришишга қаратилган.

Битим хусусий хонадонларда ижарада турувчи ўқувчи ешларга тўланадиган тавон пулини ошириш имкониятини, синф раҳбари вазифасини бажаргани, дафтарларни текширгани, кабинетлар ва устахоналарга мудирлик қилгани учун умум таълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртлири ўқитувчиларига қўшимча ҳақ тўлаш масалаларини кўриб чиқади.

1994 йили Халқаро меҳнат ташкилотларининг конвенциялари ва тавсиялари юзасидан қуйидаги йўналишлар бўйича таклифларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига тақдим этиш мўлжалланмоқда:

- бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисида;
- қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида;
- ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида;
- ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқларни сақлаб қолиш тўғрисида;

оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида;

Аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни кучайтириш мақсадида касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига қуйидаги қонун лойиҳаларини киритиш ҳам кўзда тутилмоқда:

- Жамоа шартномалари ва битимлари тўғрисида;
- Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида;
- Энг кам истеъмол бюджети тўғрисида;
- Маданият тўғрисида.

Меҳнат муҳофазаси ва экологик хавфсизлик соҳасида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланган мураккаб ва зарarli ишлаб чиқаришнинг рўйхатини тузиш ишлари олиб борилмоқда.

Яшаш жойидан қатъий назар ишлаб чиқаришда шикастланган ёки боқувчисидан маҳрум бўлганлар кўрган зарарнинг ўрнини қоплаш масалаларини ўзаро келишув йўли билан тартибга солиш мўлжалланмоқда.

Зарarli ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганлар учун ҳимоя воситалари ва махсус кийимларни марказлаштирилган тарзда тайёрлаш кўзда тутилган.

Болалар ва ўсмирларни ёзги соғломлаштиришнинг моддий-техника негизини тайёрлаш ва ундан белгиланган мақсадда фойдаланиш борасида зарур тадбир-чоралар ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳукуматнинг бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида аҳоли фаровонлигини ошириш тўғрисидаги йўл-йўриқларини қўллаб-қувватлаган ҳолда касаба уюшмаларининг куч-ғайратини ижтимоий муҳим, долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратади, бунда меҳнаткашлар ва уларнинг болаларини соғломлаштиришни ўз фаолиятининг устивор йўналиши деб билади.

Шу мақсадлар учун касаба уюшмаларининг соғломлаштириш муассасалари моддий-техника негизини ривожлантиришга 4600 миллион сўм-купон сарфланади.

Санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатларда, санаторий-профилакторийларда 364,6 мингдан ортиқ киши даволанади, соғлигини мустаҳкамлайди, сайр-саёҳат базалари ва комплексларида 1 мингдан зиёд киши дам олади, 107,9 минг киши парҳез таомлар билан таъминланади.

Аҳолининг энг камҳарж табақалари, ногиронлар, байналмилалчи жангчилар, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатиш иш-тироқчилари санаторий ва курортларда навбатсиз даволанадилар.

500 мингдан ортиқ бола, шу жумладан экологик жиҳатдан хавфли Орол бўйи минтақаларида яшовчи 6,5 минг бола соғломлаштириш лагерлари ва санаторий типидagi лагерларда соғломлаштирилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва унинг аъзо ташкилотлари жамоа шартномалари талабларидан фойдаланиб, амалдаги қонунга мувофиқ хўжалик ва ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш, иш жойларини сақлаб қолиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, одамларнинг бозор шароитларида ишлашга ўргатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадилар.



# Кўнгилга келган кўлдан келса...

Жилгаларнинг масрур чулдираши, дарелар шовури, тоғлар бағри, ям-яшил водийлар турли фаслларда инсонга турлича хис-туйғу бахш этиши мумкин, аммо унинг кўрки, хусни-латофати, файз-фароғати ез фаслида бўлакча буткул. Чунки эрта-индин ана шу кўркем табиат кўйида болаларнинг кувноқ кулгилари, шўх-шўх кўшиқлари, гурунглари билан ҳамоҳанг акс садолар мавж уриб, ез мавсуми янада ўзгача манзара касб этиши табиий. Мактабларда ўқув йилига якун ясаиб, ёзги таътил бошланиб, болалар турли сихаттоҳ, оромгоҳлар, соғломлаштириш лагерларида мароқли хордиқ олиб, сихатларини тиклайдилар. Шу муносабат билан кун-кеча Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги залида болаларнинг ёзги таътиллари мазмуни ва мароқли ўтказишлари, уларни ўз кучоғига оладиган оромгоҳларда қандай ҳозирлик кўрилатганига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ўтган йилги ишлар якуни ҳамда 1994 йил учун бу борадаги чора-тадбирлар кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир ўринбосари Мухаммадjon Қорабoев oлиб бoриб, eш авлодни дам олиши ва соғлиқларини тиклашлари масаласига бу йили ҳар йилгига қараганда ҳам юқорида даражада масъулият билан ёндошиш зарурлигини уқтирди. Ўтган йили йўл кўйилган айрим камчиликлар тақрирланмаслиги учун ҳар бир мутасадди ташкилот ўз зиммаларига олган вазифаларини пухта ва аъло даражада бажаришлари шу куннинг энг долзарб масаласи эканлигини унутмасликка қақирди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Мухайе Мирзоалимовна Тўлаганова нутқ сўзлаб, ўтган йили республикада болаларни соғломлаштириш бўйича олиб борилган ишлар якуни ва 1994 йили бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида ҳисобот берди. Барча вилоятларда оромгоҳ ва сихаттоҳларни мавсумга тайёрлашга йил бошидан фаол киришилиб, касаба уюшмалари кенгашлари ва тармоқ кўмиталари ҳокимликлар билан ҳамжиҳат қатор ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ташкилот раҳбарлари иштирокида мажлислар ўтказилиб улгуришган, пухта тузилган режалари кенг муҳокама қилинган эди. Жойлардаги соғломлаштириш лагерларининг шарт-шароитлари,

зарурий жиҳозлар ва спорт анжомлари билан таъминланишлари, озиқ-овқат таъминоти масалаларини текшириш бўйича эътиборли комиссиялар тузилиб, ишга тушишган ҳам. Вилоят ҳокимликлари эса оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ўтган йилгига нисбатан бир мунча кўпроқ маблағлар ҳам ажратишган.

Шу ва шунга ўхшаш масалаларнинг ҳал этилиши, кўрилган ва кўрилатган ҳозирликлар тўғрисида барча вилоят ҳокимликлари, касаба уюшмалари Кенгаши раҳбарлари селектор орқали йиғилиш аҳлига ҳисобот бердилар.

Мухаммадjon Қорабoев болаларнинг ёзги дам олишининг маданий ва мазмуни ўтиши тарбиявий жиҳатдан ниҳоятда юксак даражада бўлишини кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун оромгоҳ ва сихаттоҳлар спорт, тиббиёт мутахассислари, юқори малакали тарбиячи кадрлар билан таъминланишлари катта аҳамиятга эга эканлиги, айниқса, озиқ-овқатлар сифатига эътиборни кучайтириш, вақтида дори-дармонлар жамғариб олиш каби масалалар бўйича гамхўрлик қилишнинг аҳамиятига барчанинг диққатини тортиди. Бу вазифалар юзасидан олиб борилган ишлар ҳақида "Ўзбекбирлашув" Ўзбекистон соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ешлар иттифоқи Марказий Қўмитаси, "Ўзавтотранс", "Ўзагро-саноатбанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", Давлат порт қўмитаси ва бошқа қатор ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Хуллас, кўнгилга келган кўлдан келса, битмайдиган иш қолмас, деганларидек, мустақил юртимизнинг эртанги кун эгалари бўлмиш соғлом авлод вакиллари янги куч-ғайратга тўлиб, шуур тўплаб, бардам-бақувват ўз мактаблари кучоғига қайтишлари учун барча имкониятларни ишга солиб, юксак гамхўрлик кўрсатилиши бўйича мужассам режалар, вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Хулкар Баҳодирович Жамолов ҳам иштирок этди.

"Ишонч" мухбири.

## ФАОЛЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Х. Б. Жамолов Самарқандда бўлиб, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари кўмиталари раҳбарлари, касаба уюшмалари фаоллари билан учрашди. Раис йиғилганлар билан бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш бобида касаба уюшмаларининг вазифаларини, Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг

навбатдаги курултойига тайёргарлик ва бошланғич ташкилотларда бўладиган ҳисобот-сайлов йиғилишларини намунали ўтказиш, касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш йўллари ҳақида батафсил суҳбатлашди.

Учрашувда республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси муовини З. И. Қодиров, Самарқанд вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси М. Б. Шодиева қатнашдилар.

"Ишонч" мухбири.

## ТУМАН ЮБИЛЕЙИ

Аввал хабар берилганидек, Тошкент вилоятининг Бўка тумани 50 йиллигини нишонлашга қўшни туман ва шаҳарларнинг вакиллари, вилоятдаги кўпгина ташкилотларнинг раҳбарлари таширф буюришди. Ҳокимият мажлислар залида юбилейга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг туман меҳнаткашларига йўллаган табригини Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов ўқиб берди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабoев йиғилишда сўзга чиқди. Туман ҳокими Б. Махситов ўз

маърузасида ўтган ярим асрда Бўка шаҳари ва қишлоқлар кнефаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги, бугунги ютуқлар туманда яшовчи турли миқлат кишиларининг ҳалол меҳнати натижаси эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов қатнашди.

Шу кунни марказий майдонда туман меҳнаткашлари республика санъат усталари иштирокидаги катта концерт дастурини томоша қилдилар.

Сандозим ШАРОФХОНОВ, "Ишонч" мухбири.

## БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШЛАРИ УЧУН

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биринчи бор жорий этилган нишон "Соғлом авлод учун" деб номланди. Бу республикаимиз раҳбариятининг болаларга, улар билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор билан қараётганидан далолат.

Сўлим ез фасли айниқса болалар учун кувончлидир. Биз катталарнинг болалар тарбияси билан боғлиқ вазифаларимиз ана шу ез фаслини кўнгилдагидек ўтказиш учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кўмиталари оромгоҳлар, сихаттоҳларни мавсумга тайёрлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, болаларнинг беҳатар дам олишларини ташкил этиш ишига бугунги куннинг энг долзарб масаласи деб қарайдилар. Мақсадга мувофиқ уюштирилган дам олиш даври тарбиявий жараённинг самарали бўлишига катта ҳисса қўшишдир. Шунинг учун ҳар йилгидек, дам олиш мавсуми июнь ойининг бошида бошланишига қарамай вилоят касаба уюшмалари йилнинг бошидаёқ тайёргарликни

авж олдириб юбордилар. Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бўйича вилоят ҳокимлиги ҳузурида махсус комиссия ташкил этилди ва унга оромгоҳларнинг фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни имконият даражасида ҳал этиш вазифаси топширилди.

Бу йилги мавсумда фаолият кўрсатадиган оромгоҳларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 150 миллион сўм ажратилган. Бу маблағ ҳисобидан зарурий мусиқа, спорт анжомлари, бошқа жиҳозлар харид этилмоқда.

Оромгоҳлар яхши мутахассислар билан таъминлангандагина самарали ишлайди. Шу боис кадрлар масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ишлари бошқармалари болалар оромгоҳлари учун малакали кадрларни танлаш ва мавсумга тайёрлаш масалаларини ҳал этмоқдалар.

Бу йил вилоятимизнинг Шаҳрисабз, Китоб, Яққабoғ, Қамаш, Косон, Чирокчи туманларининг ажойиб гўшаларида

жойлашган 191 болалар оромгоҳида 40 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари дам олишади. Чунончи, 21 кун ишлайдиган 22 та шаҳардан ташқари оромгоҳларда 15 550 бола, 7 санаторий типидagi оромгоҳларда эса 9 450 бола дам олиши мўлжалланган. Санаторий типидagi оромгоҳларда болалар дам олиш билан бирга қатор даволаниш-соғломлаштириш хизматларидан баҳраманд бўладилар. Шаҳарда қолган болалар учун эса мактаблар ҳузурида бир кунлик оромгоҳлар фаолият кўрсатади. Улар 160 мактабда ташкил этилиб, 15 000 болани қабул қилиши ражалаштирилган.

Бугунги кунда йўлланмалар баҳоси масаласи ҳар бир оилани ўйлантирмай қўймайди. Касаба уюшмалари бу ҳолни чуқур хис этиб, йўлланма қийматининг 80-90 фоизини ўз зиммаларига олмоқдалар. "Қаршинефть", "Ўзқолхозстройтрест", "Қаршин-дустрия" каби қатор ташкилотлар йўлланмаларни ўз ходимларига бепул тарқатмоқдалар.

Хуллас болаларнинг дам олиш мавсуми мароқли ўтиши бўйича вилоятимиз меҳнаткашлари бу йилги ишларимиздан албатта қониқши ҳосил қиладилар, деган умиддамиз.

Мақсуда ХАЛИПОВА, Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг етакчи мутахассиси.

29 май Кимёгарлар куни деб нишонланиши Ўзбекистон кимё саноати тармоғи ходимлари, ишчи ва хизматчилари учун қувонарлидир. Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасига кимёвий ўғитлар, ўсимликни ҳимоя қилиш ва атир, упа-элик, кир ювиш воситалари, бўёқлар, уй-рўзгор ва бошқа халқ истеъмол буюмлари кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси раҳбарияти олдидаги долзарб вазифалар Ўзбекистон республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 15 мартдаги "Ўзбекистон республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни янада ривожлантиришни истиқболли йўналишлари тўғрисида"ги Фармонларини кенг тарғиб қилиш, моддий ва маънавий, амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Чет эллар билан ҳамкорликда ишлайдиган "Совпластитал", "Капролактам" ва Фаргона кимё толаси ишлаб чиқариш бирлашмалари, ҳиссадорлар жамиятига ўтган Навоий электрокимё заводи

ҳажмини ўлчовчи ҳисоблагич қурилмалари ишлаб чиқариш ташкил қилинмоқда. Бу цехга йигирма беш йилга яқин меҳнат қилиб келаётган ўз ишининг фидойи тадбиркори Владимир Дмитриев бошчилик қилади. Чирчиқ "Электрокимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмасида эса чой ва озиқ-овқатни узоқ вақт иссиқ сақлагичлар йиғув цехлари унумли фаолият кўрсатмоқда. Ангрен шаҳридаги "Ўзбекрезинотехника" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд кимё корхонаси калишлар, Навоий электрокимё корхонаси эса кир совунлари, зарарли ҳашаротлар ва зараркунанда кемирувчиларга қарши қўлланивчи оксафтан, зоокумарин каби кимёвий моддалар, "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида "Лима", "Круз" шампуни, "Диола" кир ювиш ва қурилиш-таъмирлашда ишлатиладиган воситалар, озуқабоп сирка тайёрлашлар пухта йўлга қўйилган. Табобат учун дори-дармонлар ҳам тайёрланади. Наманган кимё корхонаси вазелин ва девор қоғозлари ёпиштириш "КМД" елими билан халқимизни қурилиш-таъмирлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўтган 1993 йили 38 тур янги истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқилган бўлса, бу 36,2 миллиард, яъни режадан 2,9 миллиард сўм-

корхонаси касаба уюшма қўмитаси фаоллари маъмурият билан ҳамкорликда корхона меҳнаткашларини уй-жой билан таъминлашда ибрат кўрсатмоқдалар.

Саноатимиз ишчи-хизматчиларини турли шикастланишлардан ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча чоралар кўрилмоқда, мабодо эҳтиётсизлик оқибатида бахтсиз ҳодисалар юз берса, дафн маросими содир бўлса, шуларнинг барига боғлиқ харажатларни маъмурият ўз зиммасига олиб, марҳумнинг бир йиллик маоши ҳажмида оиласига нафақа беради. Ҳомиладорлик таътилига чиққан аёлларга эса энг кам маоши миқдорининг 50 фоизи сақланиб қолинапти.

Меҳнаткашларнинг соғлиги бўйича гамхўрлик қилиш ва уларнинг дам олишини уюштириш масаласи билан доимо касаба уюшмалари шуғулланиб келган ва шундай бўлиб қолади. Собиқ Иттифоқнинг тарқаб кетиши, тўлов воситалари бўлиши пуллар нусхаларининг ва қийматларининг ўзгариб, иқтисодий номуаносибликни вужудга келиши, марказий курортларга, дам олиш оромгоҳларига бериладиган йўлланмалар нархининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлди. Эндликда гўзал табиати ва соф ҳавоси билан ер кўрсатиши бирор жўрғофий ўлкадан қолишмайдиган республикамизда узлуксиз хизмат қиладиган 100 ўринли "Чимён" оромгоҳи, Оқтошда эса 120 ўринли замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган даволоччи оромгоҳ нафас олиш йўллари касалланган беморларни шифолашда хизмат қилмоқда. Соғлом авлод учун, мустақил Ўзбекистоннинг маънавий ва жисмонан баркамол фуқаролари учун керак бўлган маблағимизни дариг тутмаймиз. Юқорида келтирилган масалалар корхоналардаги маъмурият билан тузилган меҳнат жамоалари шартномаларида ўз ифодасини тошган бўлиб, бевосита ишчи ва хизматчиларнинг талаблари, истаклари асос қилиб олинган. Шунингдек, битим талабларининг бажарилиши назоратдан четда қолмай, вақти-вақти билан раҳбарият ва касаба уюшмалари қўмиталари фаолларининг ҳисоботлари корхоналардаги йиғилишларда муҳокама қилинмоқда.

Кимёгарлар тегишли саноат тармоқ корхоналар маъмуриятлари билан касаба уюшмаларнинг қўшма битимларига биноан ўз кўнларига катта тараддуд билан келдилар. Соҳамизнинг жонкуярлари бўлиши Тошкент "Лола" атир-упа ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимаси Надежда Романова, Тошкент маиший кимё ишлаб чиқариш бирлашмасининг кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошлиги Людмила Немцова, "Навоийазот" корхонаси ҳайдовчиси Қодир Жиянов, 6-цех машина бошқарувчиси Дилмурод Рустамов, "Фаргонаазот" корхонасининг аппарат бошқарувчиси Машраб Ғаниевлар номларини бугун фахр билан тилга олишимиз мумкин. Умуман, бизнинг саноатимиз турли миллат фарзандларидан ташкил тошган бўлиб, бугунги иқтисодий тангликдан чиқиш учун меҳнат жамоаларида астойдил фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Келажакда буюқ Ўзбекистонимизда миллатлар тотувлигини камол топтиришда куч-айратларини аямай садоқат билан иш бошқараётган ҳурматли юртбошимиз Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг гамхўрлиги биз кимёгарлар учун беқиёсдир. Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Президиуми аъзолари номидан ва шахсан ўз номидан республикамиз кимёгарларини касб кўнлари билан қизгин табриклайман, уларга сўхат-саломатлик, бахт-саодат тилайман, уларнинг ишлари, оилавий ҳаётларида улкан зафарлар ер бўлсин!

**Н. ҚОСИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси кимё саноати тармоқлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Раиси.

## БИТИМ ВА ШАРТНОМА ТАЛАБЛАРИ

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг навбатдаги мажлиси икки томонлама битимлар ҳамда жамоа шартномаларининг аҳамияти, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кафолатлар масалаларига бағишланди. Марказий қўмита раиси Анвар Аҳмедович Муҳаммаджонов касаба уюшмалари олдида турган меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳуқуқлари талабларига доир вазифалар тўғрисида нутқ сўзлади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда бир қатор ташкилий ва амалий чора-тадбирларни рўйга чиқаришда давлат қонунларидан асло четланмаслик зарурлигини уқтирди. Пенсия олувчилар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ногиронлар, фахрийларга шунтазам моддий-маънавий ёрдам бериш касаба уюшмаларининг диққат марказида туриши, меҳнат қонунчилигини бузаётган айрим хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни тобора ошириш, ишлаб чиқариш жароҳатларининг олдини олиш, иш шароитларини яхшилашга доир тадбирлар ишлаб чиқиш қанчалик аҳамият касб этиши-ни алоҳида таъкидлади. Янги тузилган дастурлар асосида меҳнат ва маиший шароитлар яратиш жараёнида йўл қўйилаётган айрим камчиликларни вақти-вақти билан йиғилишларда муҳокама қилиб, бартараф этиш мақсадга мувофиқлиги устида ҳам тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси прокурорлиги умумий назорат бошқармаси бошлиги В. К. Қосимовнинг маърузаси жойлардаги меҳнат жамоалари ўртасида давлатнинг иқтисодий - сиёсий қонунларни тарғиб қилишда айрим ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ўзбилармонликка берилётганликлари, бу борада кураш олиб бориш учун баъзи касаба уюшма қўмиталари ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланмаётганликлари, натижада меҳнат қонунчилиги бузилаётганлиги масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси муовини З. И. Қодиров ҳам мажлисда нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг етакчи консультанти М. Қирғизбоев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий-ҳудудий бўлим мудири Ш. Х. Абдулазизов, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк раиси ўринбосари Й. Э. Эргашев, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҳуқуқ бўлим мудири А. А. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунчилик бошқармаси бўлим мудири Г. А. Фулмова, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳуқуқ бошқармаси бошлиги А. А. Рискуллаевлар иштирок этдилар.

"Ишонч" мухбири.



## КИМЁГАРЛАР ҲОЖИТИ

каби корхоналар сонини купайтириш диққат марказимиздадир. Чунончи, 1994 йил 29 апрелда Ўзбекистон кимё дори-дармонлар ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси меҳнат жамоаси вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишида ҳиссадорлик жамиятини ташкил этиш учун тегишли ташкилотлар билан расмийлаштириш ишларига киришилди.

Республикамизда саноат тармоқлари ичиде кимё саноати етакчи саноат тармоқларидан ҳисобланиб, собиқ иттифоқ республикалари ва хоржий давлатлар қишлоқ хўжалиги соҳалари учун ҳам кимёвий ўғитларни Чирчиқ, Қўқон, Навоий, Олмалик, Фаргона ва Самарқанд кимё заводлари ишлаб чиқарадилар. Ангрендаги "Ўзбекрезинотехника" ишлаб чиқариш бирлашмаси эса саноатимиз тарихида биринчи бўлиб автомобиллар учун гилдирак резина қопламалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Халқимизнинг чинни буюмларга бўлган эҳтиёжи қондирилмай турган бир пайтда Жиззах пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси идиш-товоқлар ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида пайдо бўлаётган меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини имкони борича ҳал қилиш касаба уюшмалари учун асосий вазифадир. Ишсизликнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир саноат корхоналарида кичик ва қўшма корхоналар ишлаб турибди, шунингдек, халқ истеъмоли буюмлари турини ва салмогини кўпайтириш борасида катта қадамлар ташланди. Чирчиқ шаҳридаги ўз-ўзини бошқариш мосламаларини эгаллашда ва уларни иш билан таъминлашда бир қанча намунали фаолият кўрсатмоқдалар. Бу даргоҳда газ аниқлагичлар, газлама тўқиш корхоналари учун ранг аниқлагичлар, мусиқа оҳани бўйича турли ранг чироқ қурилмалари, рўзгорбон қуритиш мосламалари, кўзгулар, юк аравачалари ва металдан бадий суратлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳаётимиз учун ниҳоятда зарур бўлган иссиқ ва совуқ сув оқими

купон ортиқ даражада маҳсулот тайёрланди, деган гап. 1994 йил давомида эса халқ истеъмол моллари ўтган йилга нисбатан бир неча марта кўп ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Ҳадемай мактабларда ўқишлар тугаб, ўқувчиларнинг етти таътили бошланади. Бироқ, ўлкамизда егин ва қор миқдорини аввалги йиллардан бир неча бор ортиқ бўлиши анчагина зарар етказди. Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги болалар оромгоҳлари ҳам талофот кўрди. Чирчиқ "Электрокимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ҳамидулла Йўлдошев Оқтош болалар оромгоҳи худудидаги 600 ўринли ошхонани қайта тиклашда тезкорлик билан меҳнат қилмоқда.

1993 йили кимё саноати тармоғида 12000 нафар бола етти таътилни оромгоҳларда ўтказган бўлсалар, бу йили уларнинг сони 12900 нафарни ташкил қилади. Аввалги йили саноатимиз тармоғи бўйича 7853 меҳнаткаш соғломлаштириш масканларида ҳордиқ чиқарган бўлсалар, бу йили санаторийларда 743 нафар, дам олиш уйларида 571 нафар, икки кунлик дам олиш пансионатларида 1121 нафар ва санаторий-профилакторийларда 5418 нафар болалар дам олиб, соғлиқларини тиклайдилар. Парҳез таомлар учун 3244 йўлланма меҳнаткашларга топширилди. Санаторийларда даволаниб келишлари учун айрим бетобларга бепул йўлланмалар ҳам берилмоқда.

Яна бир қувонарли жойи шундаки, Чирчиқ "Электрокимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси ва раҳбарияти нафақага чиқиб кетаётган ишчилар ва хизматчиларга катта гамхўрлик кўрсатмоқда. Узлуксиз ишлаган йили 7,5 йилдан 25 йилгача бўлган кишига энг кам миқдордаги ўн маош ҳисобида ёрдам пули ажратилган. Шу йил давомида 3795 кв. метр уй-жой қурилиб, 50 дан ортиқ оила уй тўйи ўтказишди. Айниқса, "Совпластитал" қўшма

газ узатиш шахобчалари ишга тушди. 17700 та қўшимча иш ўринлари вужудга келтирилди. Бундан ташқари, яна қатор ижтимоий ҳимоя бўйича вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва вилоят ҳокимлиги вакиллари ҳисобот бердилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари Муҳиддин Турсунов, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ҳабибулло Абдурахимов иштирок этишди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**  
"Ишонч" мухбири.

## ЯНГИ ГАЗЕТА

Жиззах вилоятида 16 та турли газета нашр этилмоқда. Даврий матбуот сафига яна бир газета "Қамолот кўзгуси" қўшилди. Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасининг нашри бўлган "Қамолот кўзгуси" газетда Жиззах вилоят ҳокими А. Тошқеновнинг табриги, "Маърифат" газетасида ва жамоатчиликнинг табрик хатлари, кутловлари эълон қилинган.

— Газетамиз ҳар ойда бир марта нашр этилмоқда, — дейди бош муҳаррир Бахтиёр Ризаев. — Келажакда ҳар ҳафтада чиқаришни режалаштирмоқдамиз. Туман газетаси ҳажмида чиқаётган маорифчиларимиз газетасига Жиззах вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси муассаслик қилмоқда.

"Ишонч" мухбири.

## ҚЎШМА ЙИГИЛИШ

Тўртинчи йилдирки, Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ўртасида бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича тузилган битим асосида ишланапти.

Шу масалага бағишланиб вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг қўшма йиғилиши ўтказилди. Маълум бўлдики, биргина ўтган йили бу борада бир мунча ишлар қилинган.

1-5 синф ўқувчиларининг бепул нонушасига 785 миллион сўм, гамхўрликка муҳтож елғиз қариялар ва ногиронлар овқати учун 36 миллион сўм, ҳомиладор кам қонли аёлларни қўшимча овқатлантириш мақсадида 158 миллион, шаҳарда яшовчи ўқитувчиларнинг йўлқираларига 23 миллион сўм маблағ ажратилган. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтариш учун 19437 хонадон газлаштирилди. 219 чақирим сув қувурлари, 429 чақирим

— Ҳамро Темурович, қишлоқда ўсган, заҳматини чекканларгина унинг қадрига егадилар. Бу сўзларни умрининг қарийб 45 йилини чўпонлик касбига бағишлаган, эл ардоғига сазовор бўлган раҳматли Темур бобо ҳам кўп такрорлар эдилар.

— Раҳматли отамнинг ўғитлари ҳамон қулоқларимда жаранглаб туради. Қишлоқда ўсганлигим, бу ернинг шароитини яхши билганим ишларимда қўл келади, юришмаган кезлари менга тинчлик бермайди. Айниқса, Президентимизнинг ислохотларни айтиш қишлоқдан бошлаш зарурлиги ҳақидаги сўзларида ҳаётини ҳақиқат бор. Биз, биринчи навбатда ҳокимлар бу масалага жиддий қарашимиз лозим, деб ўйлайман. Президентимиз билан бўлган учрашувда, яқинда бўлиб ўтган Олий Кенгаш сессиясида ҳам шундай фикрлар айтилди. Токи халқимиз мамлакатимизда бўлаётган буюк ижобий ўзгаришларнинг мевасидан баҳраманд бўлишимиз.

— Гапингиз тўғри, аммо мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов яқинда бўлиб ўтган Бухоро вилояти кенгаши сессиясида бу ишлар вилоятнинг кўпгина туманларида сусткашлик билан олиб борилаётганини таъкидладилар...

— Умуман республикамизнинг кўп жойларида ўтказилаётган ислохотлар натижаси сезилиб турибди. Буни инкор этиб бўлмайди. Аммо Президентимизнинг вилоятимиз кенгаши сессиясидаги нутқлари ўринли ва ҳаққонийлигидан тўғри хулосалар чиқариб олишимиз лозим. Қаердадир ишлар силжимаётган экан, ўша жойнинг жонкуяр раҳбари йўқлигидан далолат. Ахир ҳукуматимиз томонидан ишларимиз учун қатор имконият ва шароитлар яратилгач, ишлайликда.

Туманимизда амалга оширилаётган ишлардан мақтаншдан йироқмиз. Жондор яқин йиллар ичида йирик саноати ривожланган туманлар қаторидан жой олишига ишонамиз. Бунинг учун биздан кўпроқ изланиш, куч-ғайрат талаб этилади.

— Туман ҳақидаги орзуларингиз келажак мевасидан нишона. Буни сезингиз яқинда бир гуруҳ ҳамкасбларингиз билан Голландияга қилган сафарингиз таассуротларидан сезиш мумкин. Лекин 120 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган бу масканда амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисидаги жавобингиз фикрингизни ойдинлаштиради.

— Мамлакатимиз вилоятлари, туман ҳокимларининг Европанинг ривожланган давлатларида бўлиб ўзaro тажриба алмашиб қайтишлари ислохотларни изчил амалга оширишимизда ўзига хос мактаб бўлди. Мен ҳам Голландиядаги анчагина ўрганса ариғлик ишларнинг гувоҳи бўлдим. Бу ерда амалга оширилаётган ишларга келсак, ҳозирда туманда ип-йиғирув тўқув комбинати, пластмасса идишлар заводи қурилиши давом этмоқда. Қисқа вақт ичида туманда 98 кичик корхоналар ташкил этилди. Сут маҳсулотлари, консерва ва ун заводлари, колбаса цехи, тўққиз жойда пишлоқ ишлаб чиқариш ва тайёрлов савдо шаҳобчалари фаолият кўрсатмоқда. Бу йилдан бошлаб бу ерда пахта тозалаш заводи, пишқ гишт тайёрловчи чоғроқ корхона ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ердамчи тармоқлар қуриш мўлжалланаяпти. Туманимиз пахтакорлари ўтган йили қарийб 54 минг тоннага яқин ҳосил етиштириб, 12 миллиард сўм даромад қилдилар. Ҳозир эса 2 миллиард сўм миқдордаги капитал қурилиш ишлари амалга оширилаётир. Президентимизнинг қишлоқларни ривожлантириш борасидати қатор фармонлари асосида иш олиб бораёпмиз.

Натижа кўзга ташланыпти. Туманда фермер хўжаликлари сони кўпайиб бормоқда.

— Демак, туманда саноат корхоналари, фермер хўжаликларининг кўпайиши билан иш билан бандлик масаласи ҳал этиларкан-да?

— Белгиланган режаларни амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамлаш мақсадимиз. Туманда қабул қилинган "бандлик" дастури натижасида ҳозиргача 600 дан зиёд киши иш билан таъминланди. Юқорида таъкидланган корхоналар ишга тушгач, ички имкониятлар натижасида кўшимча иш жойлари вужудга келади. Насиб этса, бу йил аҳолини иш билан тўла таъминлаш ниятимиз.

— Бозор муносабатларига ўтилаётган бир шароитда

Охунбобоев номидаги, "Ўзбекистон" ва Т.Ҳотамов номидаги жамоа хўжаликларида ибратли тажриба тўпланган.

— Кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Баъзан ўйлаб қолсан: ўзининг доно сўзи ва маслаҳатини дариг тутмай, юртимиз бахт-саодати учун курашган отахону онахонларимиз ҳурматини жойига қўя билдикми, улар қалбиди кемтикликни тўлдирди олдиқми? Баҳоли қудрат қилинган хайрли ишларни хаёлдан кечириб, кўнгил бир оз таскин топгандай бўлади. 1993 йилда Уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига салмоқли моддий ердам кўрсатилди. Буларнинг ҳаммаси улар учун оз, деб ўйлайман.

— Ҳамро Темурович, сизларда оммалаштиришга арзигулик анъаналар ҳам талайгина. Бу ўринда "Ғамхўрлик-93" дастурини назарда тутаямиз...

— Фуқароси соғлом, тўқ давлатгина қудратли ва умрбоқийдир. Юқорида тилга олинган дастурдан кўзланган мақсад ҳам шу. Тўй маросимларини ўтказиш, уй-жой қуриш ва таъмирлаш, қишлоқларни газлаштириш кун тартибиде турган долзарб вазифалардан. 194-460 механизациялашган кўчма колонналар, махсус сув иншоотлари қурилиши ташкилотлари бу борада ибратли ишларни амалга оширишяпти. Биргина мисол, 4-механизациялашган кўчма колонна маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан ходимларга 2 тоннадан кўпроқ ун, 15 тонна гуруч ва бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилиб, 300 миллион сўмлик моддий ердам кўрсатилди.

Туй-маърака ва таъзиялар ҳам изга тушмоқда. Кам таъминланган оилаларга ташкилот ва хўжаликлар томонидан амалий ердам кўрсатиляпти. Тўкинчилик, мўл-кўлчилик осмондан тушмайди. Уни ўзимиз яратимиз керак. Ҳозир одамлар қўлида 5364 гектар ер бор. Шахсий томорқа эгаларига хизмат кўрсатувчи уюшмалар тузилган бўлиб, қишлоқ оқсоқоллари раисликка сайланганлар. 1993 йилда шахсий томорқа ҳисобидан 300 тонна дон, 503 тонна мева, 127 тонна сабазот, 825 тонна сут, 245 тонна гўшт етиштирилди. Келгусида бундан ҳам юқори натижаларга эришиш мўлжалланмоқда.

Эртами-кечми, ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этишимизга ишонамиз. Ўтган йилнинг ўзида Варахша, Мохонқўл, ва Ўртачўл мавзеларида минг гектар ер ўзлаштирилди. Бу вилоятда қабул қилинган "Барака-ҳаракатда" дастурининг амалдаги кўринишидир.

— Сухбатимизни "Ишонч" газета ҳақидаги фикрингиз билан якунласан.

— "Ишонч" нинг доимий мухлисиман. У ҳозиржавоб ва зарур нашр. Унинг саҳифаларида чоп этилаётган ихчам, қишлоқ аҳли ҳаёти ҳақидаги қизиқарли мақолалар кўпчиликка маъқул. Қаламшанинг меҳнати оғирлигини тушунаман. Бозор иқтисоди билан боғлиқ қийинчиликлар газета таъсирчанлиги ва жанговарлигига "заҳа" етказмаслиги керак. Шу кунларда халқимиз ўз тарихидаги маъсулиятли дамларни бошдан кечирмоқда. "Ишонч" ўз чиқишлари билан одамларга маънавий мадад бўлиб, серташвиш қалбларга осойишталик ато этаверишни истайман.

— Самимий сухбатингиз учун раҳмат.

Сухбатдош: Носир ТОШЕВ,  
"Ишонч" муҳбири.



## ЭЛГА ҚАЙИШГАН КАМ БЎЛМАС...

Инсон тақдирига бепарқ қараган раҳбар эл назаридан қолди. Бу ҳақиқатни тан олмай илож йўқ. Зеро бугунги кунда ўзларининг тинимсиз изланишлари билан Ўзбекистонимиз келажаги учун хизмат қилаётган раҳбарлар кўпайиб

бораётганлигини эътироф этмоқ керак. Эндигина қирқинчи баҳорини қаршилаётган Ҳамро Темурович Раҳмоновни улар қаторида тилга олсак муболаға бўлмас. У ҳаёт йўлини Бухоро туманидаги Ш.Рашидов номидаги давлат хўжалигида оддий касбдан бошлади. Кейинчалик ўзи туғилиб ўсган туманда наслчилик заводи директори, туман ижроия кўмитаси ва кенгаш раислари лавозимларида ишлади. 1991 йилдан Жондор тумани ҳокими. Беш нафар фарзанднинг отаси.

меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш муҳимдир. Бу борада тумандаги барча касаба уюшмалари фаоллари ҳокимлик билан елкадош бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундай эмасми?

— Аҳолимиз манфаатлари туман ҳокимлиги ва барча касаба уюшмаси фаолларининг доимо эътиборида бўлаёпти. Биргина ўтган йилнинг биринчи ярмида ижтимоий ҳимоя мақсадларига 400 миллион сўм ажратилган бўлса, йил охиригача 2 ярим 3 ҳиссага ошди. Чунончи мактаб ўқувчиларининг бепул нонуштаси ва имтиёзли овқатланиши учун 15 миллион сўм маблағ сарфланди. Болали оналар, келин-куёвлар ва ночор оилалар, кам қонли ҳамда ҳомилдор аёллар, елғиз, пенсия олувчиларни ҳам унутганимиз йўқ. Уларга 14 миллион сўм моддий ердам берилди.

Маълумки, соғлом авлодни камол топтириш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили Президентимиз Ислам Каримов туманимизда бўлганларида ана шу масала билан қизиқиб, келажакимиз эгалари ҳақида ғамхўрликни яхшилаш лозимлигини таъкидладилар ва қимматли маслаҳатлар бердилар. Бу кўрсатмалар амалий ишимизда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Туманда 1991 йили "Соғлом она, соғлом оила, соғлом авлод" дастури қабул қилиниб, хайрли ишлар бошланган эди. Шунга асосан ҳомилдор аёлларни 5 ойдан таътилга чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Уларга кўшимча иш ҳақи, озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда. Бундан ташқари оналар учун дам олиш кунлари ташкил этилган.

Ҳозирга қадар 452 нафар хотин-қизга хўжаликлар ҳисобидан 1 миллион сўмдан зиёд маблағ тўланди. Кам қонли ҳомилдор аёлларга эса қарийб 6 миллион сўмлик бепул дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бу соҳада М.Торобий,



Адабиёт ўқитувчиси Сафар Ҳақназаровни Нарпай туманида қолаверса, бутун Самарқанд вилоятида ҳам танимайдиغان камдан-кам топилади. У 40 йилдан бери болаларга таълим-тарбия бериб, ўзининг яхши фазилатлари билан обрў эътибор топган. Сафар ака Ислам шоирнинг дoston термаларини йиғиб, китоб ҳолига келтириш ҳамда Нарпай ва Октош шаҳарларидаги бир эмас, тўртта тарих музейини ташкил этилишининг ташаббускори ҳам. Яқинда у кўп йиллик намунали хизматлари учун республикамиз Президенти Фармонига биноан I-даражали "Соғлом авлод учун" нишони билан тақдирланди.

Т. НОРҚУЛОВ сурати (ЎзА).

### Хатлар - ҳаёт ойнаси

Тахририятимизга келаятган хатлар турли-туман мавзуларида езилган. Баъзи ешлар ички ҳис-туйғуларини, вақтинчалик орзу-ҳавасини ўртоқлашгиси келади. Уларнинг газетамиздан маслаҳат сўраб езганларига бир томондан хурсанд бўлсанг, баъзи хатлар муаллифларининг ўша жойда ҳал қилиш мумкин бўлган масалаларни ҳам юқорига езишга одатланиб қолганларидан ранжийсан, киши.

Эндигина ўн етти ешга қадам қўйган фарғоналик "М"ясмли қиз "Мен санъаткор Дониёр

Тошмухамедовни телевизор орқали кўриб, севиб қолдим, ердам беринг" деб езибди. Балки унга Дониёрнинг ўзи эмас, кўшиқлари ёқиб қолгандир? Мабодо шундай бўлса, буни шахсий туйғу билан алмаштириб юбормаслик керак. Чунки севиб масаласи жуда нозик, жуда буюк масала. Шунинг учун бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан сўз юритишга маслаҳат берамиз.

Газетамизни мунтазам ўқиб бораётган қорақалпоғистонлик мухлиси А.Хидирбоев ўзлари босиб ўтган улуг йўл-уруш йиллари жангу жадал ичида кўрсатган жасоратлари, тинч даврдаги фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳаяжон билан қалам тебратадилар. Бундай одамлар элда азиз, ҳукуматимиз ардоғида доим. Биз эса отахонга узок-умр, сихат-саломатлик тилаймиз.

Газетамиз мухлисларидан Аткам Ҳамидов "Ишонч"да спорт ҳақида, санъат ҳақида кўпроқ еритилишини

сўраб, кўшиқчилар Қозим Қаюмов ва Кумуш Раззоқовалар билан сухбатлар ёритилишини таклиф қилган. Бундай таклифлар учун раҳмат, мазкур мавзулар навбати билан ўз ўрнини топади.

Мактублар ичида шикоятлар ҳам йўқ эмас. Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани "Малик"хўжалигидаги бир гуруҳ оналар болалар боғчаси епилеп қолармиш, деган миш-мишлардан ташвишга тушибдилар. Ушбу

ки президентимизнинг жойлардаги ҳокимларнинг, барча раҳбарларнинг ўз ишларига, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига маъсулият билан қарашлари зарурлиги ҳақидаги гапларини улар унутмаган бўлишса керак.

Айрим хат муаллифлари мутасадди ташкилотларга шикоят юбориб, бир нусхасини тахририятимизга йўллайдилар. Бир йўла икки қуеннинг ортидан қувмоқчи бўлишди. Лекин

бу билан мақсадга эришиб бўлмаслигини билишмайди. Шунингдек, айрим кишиларда ўзгалар ютуғини кўролмаслик, худбинлик иллатлари борки, бу нарса унинг қўлига қалам тутқазиб, қанча кишиларнинг асабини бузади, беҳуда сарсон қилади. Мустақиллигимизни сақлаб қолиш учун биримизнинг ютуғимиздан қувонишимизга, камчилиги, хатоси бўлса ердам бериб, фойдали маслаҳатимизни аямая масалани ўша жойнинг ўзида ҳал қилишларга не етсин. Яхши кунларга эришиш учун ҳар биримиз ўз касб-коримиз бўйича астойдил меҳнат қилсак, бир-биримизга, оиламизга меҳрибон, ғамхўр бўлсак фақат ютамиз, ютқазмаймиз. Олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун эса тилаклар улуг бўлса кифоя. Ғайратимизни сусайтирмай сати-ҳаракатда бўлсак, вазифаларимизни сидқидиллик билан бажариб, ўзaro ҳамфикр, ҳамжихат яшасак, олам гулистон.

Малоҳат КАРИМОВА.

## ЯХШИ ДАМ ОЛИНГ, МУАЛЛИМ!

Саволларга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси ўринбосари Асқарали Шокирович Султонов жавоб беради.

**Ўқитувчилар республикадаги қайси санаторий ва дам олиш уйларида йўлланма олишлари мумкин?**

**Карима ИСАХОНОВА,  
Жиззах вилояти, Фориш тумани.**

Ўқитувчилар республикада мавжуд бўлган барча санаторий ва дам олиш уйлари, масалан, Тошкент вилоятидаги "Турон", "Бўстон", "Чинобод", "8 март", "Ботаника", "Оқтош", Наманган вилоятидаги "Чортоқ", "Косонсой", "Ниҳол", Фарғона вилоятидаги "Чимён", Бухородаги "Ситораи Моҳи-Хоса", Жиззахдаги "Зомин", Сирдарёдаги "Ҳаво тоғ", "Самарқанддаги "Абу Али ибн Сино", Қашқадарё вилоятида "Мироқи", "Қашқадарё соҳили" каби санаторийларга йўлланма олишлари мумкин. Бундан ташқари вилоятлардаги бошқа тармоқ касаба уюшмаларига қарашли санаторий ва дам олиш уйларида касаба уюшмалари қўмиталари томонидан ўзаро шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан ҳам йўлланмалар олишлари мумкин.

**Йўлланма нархлари қанча туради ва ўқитувчилар учун йўлланма олишда аниқ имтиёзлар борми?**

**Усмон КАРИМОВ,  
Сирдарё вилояти, "Оқолтин" тумани.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1994 йил 15 февраль № 32-17 сонли раёсат қарорига асосан йўлланма нархларининг қуйидаги нормалари белгиланган:

Йўлланманинг 10 фоизи — бепул;

20 фоизи — улар баҳосининг 10 фоизини тўлаш;

70 фоизи — улар баҳосининг 20 фоизини тўлаш;

Бундан ташқари ушбу қарорнинг 3 бандида таъкидланганидек, йўлланма баҳосининг 10 фоизини тўлаб олинган йўлланмалар ягона тариф сеткасининг 1 — 10 разрядлари бўйича иш ҳақи олувчи ходимларга берилади.

**Ўқитувчилар учун санаторий-профилакторий қурилганми? Қерда?**

**Руқия МАҲМУДОВА,  
Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Охунбобоев  
номидаги жамоа хўжалиги.**

Бугунги кунда республикада халқ таълими тармоғида 8 та, яъни Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳлари қошида 50 ўрндан то 200 ўрингача мўлжалланган санаторий-профилакторийлар ўқитувчиларга хизмат қилиб келмоқда. Бунинг қулайлиги шундаки, ўз малакасини оширишга келган ўқитувчи, бир йўла бу даврда ўз саломатлигини ҳам тиклайди. Бундан ташқари ёзги таътил даврида тармоқ олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари қатори, мактаб педагоглари ҳам ўз саломатликларини тиклашлари мумкин.

**Ўқитувчилар учун республика бўйича ҳар йили қанча йўлланма ажратилади?**

**Нурпес НИЁЗОВ,  
Нукус шаҳри.**

Аввалги йиллар ходимларни йўлланма билан таъминлаш бирмунча мушкул эди. Ҳозирда эса, республика бўйича ўқитувчилардан тушган ариза еки талабнома асосида уларнинг йўлланма олишга бўлган талаб - истаклари ва илтимослари қондирилмоқда.

**Андижондаги "Дилкушод" дам олиш маскани ўқитувчиларга мўлжалланганми? Унга қердан йўлланма олиш мумкин? Ушбу оромгоҳ бўйича маълумот берсангиз.**

**Ҳамроҳон АСҚАРОВА,  
Жиззах шаҳри.**

1992 йилда Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят касаба уюшмаси бирлашмаси ва вилоят тармоқ қўмитаси ташаббуси билан Хўжаобод туманида ҳашар йўли билан "Дилкушод" дам олиш маскани қурилиши бошланди. Бу дам олиш маскани халқ таълими ходимларига мўлжалланган бўлиб, ўтган икки йил давомида бу оромгоҳда қарийиб 1,5 минг киши ҳордиқ чиқарди. Ҳақиқатдан ҳам "Дилкушод" дам олиш маскани хушманзара, об-ҳавоси соф, қулай ерда жойлашган. Бугунги кунда бу оромгоҳни янада кенгайтириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Насиб этса, яқин йиллар ичида

қўшимча бинолар қурилиши тугагач, бошқа вилоят ўқитувчиларини ҳам ўз бағрига олиш имкониятига эга бўлади, деган умиддамиз.

**Хўжаликларда пилла хирмони яратилаётган айни кунларда шу хусусда таҳририятимизга келаётган саволлар билан Ўзбекистон пилла етиштириш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, олим Эркин Ҳусанович Тожиевга мурожаат қилдик.**

**Пилла етиштириб, топширишни ҳам хусусийлаштириш мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Зулайхо ЙЎЛДОШЕВА,  
Самарқанд вилояти,  
Пахтачи тумани.**

Бу йилдан эътиборан пилла етиштириш давлат буюртмасидан чиқарилиб, жамоа хўжаликлари билан ўзаро шартнома асосида олиб борилаёпти. Бу шартномага биноан ҳар бир пиллакорга янги технология жорий этишда эркинлик берилган. Бу ўз навбатида пиллакорнинг ташаббуси, гайрати ва масъулиятини оширади. Бизнинг идорамиз пиллакорларни рағбатлантиришда, уларга зарур ёнилғи, қоғоз каби барча зарур маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришда, илғор технология ва янги зотларни жорий этишда яқиндан воситачилик қилади.

**Нарх-наво иш ҳақи, ўзгариб бораёпти. Бу йил пиллакорга қандай ҳақ тўланади?**

**Али Назар ЭГАМОВ,  
Наманган вилояти,  
Уйчи тумани.**

Бугунги нарх-наво, иш ҳақи эртанги кунга тўғри келмаётганлигини ҳисобга олиб, йил бошидаёқ барча мутасадди раҳбарлар пиллакорнинг манфаатини кўзлаб шундай хулосага келинди: пилла ҳосили топширилаётган кунларда бозорда 1 кг. янги гўшт неча сўм турса 1 кг биринчи нав пиллага шунчадан ҳақ тўланади. Масалан, бозорда 1 кг мол гўшти 12 минг сўмдан сотиляпти, дейлик. Сиз агар 60 кг пилла топширсангиз 720 минг сўм пул оласиз. Уруглик учун насли пилла топширсангиз 1 кг. пиллангизга 2 кг мол гўшти нархи ҳисобида ҳақ тўланади.

**Хонадонларда қурт боқилса уй эгасига ижара ҳақи тўланадими?**

**Ҳ. ГОЗИЕВА,  
Фарғона вилояти, Қува тумани,  
Бўстон жамоа хўжалиги.**

Бу йилдан эътиборан ҳар бир килограмм пилла учун тўланадиган ҳақнинг 10 фоизи миқдорида ижара ҳақи берилади.

ИСТЕЪДОД тушунчасига турлича таъриф берилиши табиийдир, чунки уни ҳар ким ҳар хил тушунади, у ҳақда ҳар ким ўз тасаввурига эга бўлиши мумкин. Расмий ва жиддий эзма манбааларда ҳам истеъдод ҳақида турлитуман фикр-мулоҳазаларни ўқиймиз. Ўзбек Қомусида истеъдод ҳақида шундай таъриф бор: "Истеъдод, талант — шахснинг табиий ва муайян ижтимоий муҳит таъсирида эришган ноёб хислатлари мажмуи. У идрок, тафаккур, тасаввур, хотира, кузатувчанлик бениҳоя ўсганлигида, воқеа-ҳодисаларнинг янги қирраларини, уларнинг замиридаги мураккаб алоқадорликни кашф этишда кўринади. Кишининг билимларни ўзлаштириши, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиши, ижоди, ўз билими ва малакаларини турмушга татбиқ қила билишидан унинг истеъдодини билиш мумкин. Одатда истеъдодли киши бошқалар секин ва қийинчилик билан бажарадиган ёки ҳеч қачон урдамай олмайдиган улкан ишларни тез ва осонлик билан бажаради. Истеъдоднинг юксак чўққиси — гениаллик. Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар... ана шундай хислат эгаларидир".

Бироқ, мазкур қомусда ҳам истеъдод тушунчасига бир томонлама синфий нуқтаи назардан ёндошилади: "Реакцион буржуа, психологлари истеъдодни ижтимоий муҳитдан ажратиш, айрим шахсларнинг алоҳида "илоҳий олами" деб даъво қилади". Тўғри, республикамизда истеъдодни аниқ ва рўй-рост тушунишга, истеъдод эгаларини эътироф этишга муайян даражада интилишлар ҳамма вақт ҳам бўлиб келган. Бироқ, мустамлакачилик, чоризм зулми ва собиқ совет империяси йилларида истеъдод эгалари тўла бўй кўрсатишларига етарли эътибор берилмасди, бундан ҳукмрон табақа — давлат тузуми манфаатдор эмасди, йўриқ истеъдод эгаларининг пайдо бўлишларини, халқнинг миллий руҳини ва гурурини уйғотиб, кучайтириб юборишдан чўчир эдилар.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришгач, ҳар соҳада бўлгани каби истеъдод эгаларига бўлган қараш ҳам ўзгарди. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида истеъдодли ешларни излаб топиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ватанимиз мустақиллигига ва халқимиз маънавиятини мустаҳкамлаш, бойитишга йўналтириш, уларга гамхўрлик қилишни замон талаблари

даражасига етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармони билан ижодкор ешларнинг "Истеъдод" республика жамғармаси тузилгани тарихимизда биринчи бўлиб истеъдод эгалари давлат томонидан ҳуқуқий тарзда эътироф этилганига ёрқин далилдир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз имкониятларини кўрсатишда тенг ҳуқуқга эга. Жамият ўзининг ҳар бир ва ҳамма аъзосига баробар меҳр билан қарши шарт. Лекин беш қўл баробар эмас, деганларидек, ҳар бир инсон табиат томонидан бир хил қилиб яратилмаган. Бир одамда омиллар кўп, иккинчисидан озроқ. Инсоний омилга эътибор билан қараш, шундай иқтидорга эга бўлган ки-

билимли, саводхон бўлиши мумкин. Лекин ҳар кимдаги укув ҳар хил бўлади. Бир одам китобни бир ўқиганда ёдида сақлаб қолади. Иккинчиси бир неча марта ўқиса ҳам ёдида олиб қололмайди. Бир киши косибчиликни тез ўзлаштиради, иккинчиси дурадгорликни тез ўзлаштиради. Хуллас, табиатан одам маълум фаолиятга лаёқатини белгилловчи ўзига хос хусусиятлари билан яратилгандир. Бунинг қобилият, дейилади ва ҳар кимдаги қобилият даражаси ҳам ҳар хил. Деярли тақдорланмас даражадаги қобилиятни истеъдод дейиш мумкин. Истеъдод эгалари камёб бўлишади. Романнависларимиз анчагина, лекин Ойбек ягонадир. Болалар шоирлари ҳам анчагина, лекин Қуддус Муҳаммадий битта. Рассомлик, бастакорлик, кинематография ва бошқа

Бобур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор, Баҳоуддин Нақшбанд каби юзлаб сиймоларни етиштириб берганлиги билан ҳар қанча гурурлансақ арзийди.

Фахрлининг ўзи етарли эмас, балки буюк аждодларга муносиб авлод бўлиш керак. Буюк халқимиз орасидан буюк зотлар етишиб чиққан экан, миллатимиз қонида ўша буюк зотларнинг қони оқаётган экан, демак, бизнинг замонларда ҳам ўшандайин жаҳоншумул сиймолар пайдо бўлиши имкониятидан ҳоли эмас. Балки орамизда бизга замондош бўлажак Берунийлар, Синолар, Улуғбеклар яшаётгандир. Шундай бўлиши турган гап. Чунки ўрта асрларда етишган сиймоларга ватан бўлган, униб-ўстирган юрт бугун бизга гўшадир. Шу она-Ватан, шу халқдан албатта XXI аср даҳолари етишиб чиқса ажаб эмас.

Адабиёт, санъат ва маданиятнинг равнақи ва даражаси — ижтимоий онгнинг баландлиги ва тафаккурнинг кенг ва чуқурлиги давлат фуқароларининг руҳан соғломлиги, ақлан комиллигининг ривожига берган аҳамияти билан белгиланади. Давлат фуқароларининг, айниқса, еш фуқароларнинг камолотига етарли эътибор бермаса, керакли миқдорда хазинадан маблағ ажратиш бормаса, жамият тез орада маънан инкирозга учрайди. Маънавий қашшоқлик жисмоний ҳалокатга олиб боради. Маънавий эҳтиёжларга маблағ ажратишда "тежамкорлик" қилиш охир оқибатда иқтисодий ўпирилишларга олиб боради. Маданият учун ажратилиши зарур бўлган бир сўм пул келгусида минг сўмни суриб кетади. Собиқ Совет Иттифоқининг таназзулга учраб, тарқаб кетишига сабаб ҳам маънавий эҳтиёжларга жуда кам маблағ ажратилганидир.

Умумий таълим-тарбия жамият ахлоқи ва маданиятини мўтадил даражада бўла боришини таъминлайди. Бундан ташқари жамият аъзолари ўртасидаги энг истеъдодли кишиларни саралаб олиб, уларга имтиёзли даражада, яъни бошқаларга қараганда кўпроқ эътибор қаратилса, улар камолотидан жамиятга катта наф етади. Истеъдодлиларга ажратилган маблағнинг самарасидан кейинчалик жамиятнинг барча аъзолари манфаат кўрадилар.

Истеъдодлиларни эъозлаш жамиятнинг ўзини қадрлаш демакдир.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

## ИСТЕЪДОД ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

шиларга алоҳида шарт-шароит яратиб бериш, рағбатлантиришдан жамиятга наф етади. Демак, истеъдод эгаларини излаб топиш, тарбиялаш, рағбатлантириш, истисноли шарт-шароит яратиб бериш ижтимоий аҳамиятга молик ишдир. Истеъдод эгаларини зарур даражада қадрлаш, уларнинг иқтидорий имкониятларини очиб юбориши туфайли жамият тараққиётини тезлаштиради. Инсондаги заковат ва истеъдодни қадрлаш жамиятни сиёсий, иқтисодий жиҳатдан юксалтиради ва аксинча қайси бир жамиятда истеъдод эгалари камситилса, ундай жамият таназзулга дучор. Бунга кишилик тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин: масалан, теурийлар даврида санъат ва адабиёт аҳли, умуман, зиелларга зўр эъоз кўрсатилгани туфайли мамлакат обод, юрт фаровон, давлат қудратли бўлган. Демак, истеъдод эгалари халқ бойлиги экан, жамият ўз манфаатини кўзлаб истеъдодларни излаб топиш, тарбиялаш, рағбатлантириш ва барча шароитни яратиб бериш учун масъулдир.

Ўқув бор, укув ҳам бор. Ўқиш орқали одам

ижодий соҳаларда ҳам шундай. Рассом Ўрол Тансиқбоевнинг тақрори йўқ ва бўлмайди ҳам. Иккинчи Юнус Ражабий тугилмайди. "Тоҳир ва Зухро"ни яратган кинорежиссёр Наби Ганиев дунёга келмайди. Уларнинг ҳар бири танҳо кишилардир. Тўғри, яна ва яна буюк санъаткор вужудга келиши мумкин, лекин Тансиқбоев ҳам эмас, Ражабий ҳам эмас, Ганиев ҳам эмас, бошқа-бошқа санъаткорлар бўлишади. Демак, истеъдод эгаси ноёб ҳодиса экан, уларни авайлаш ва қадрлаш зарур. Улар миллат юзи ва бойлигидир.

Ер юзиде яшовчи халқлар рангги, ирқи, сонининг кўп ё озлигидан ташқари, қадимда ёки яқинда миллат бўлиб шаклланидиган ташқари, инсониятга берган буюк сиймоларнинг кўп-озлиги билан ҳам, жаҳон тараққиётига қўшган хиссасининг миқдори ва сифати билан ҳам фарқланадилар. Ўзбек халқи эса энг қадимги маданият халқлардан бири бўлиб, жаҳон тараққиётига Аҳмад ал-Фарғоний, Мусо Муҳаммад Хоразмий, Муҳаммад Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий,

## МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Қизилқир дарасида Республика "Миллий спорт" ва "Халқ ўйинлари" фестивали бўлиб ўтди. Сайилгоҳга вилоятлардан, туманлардан жами уч мингдан зиёд киши қатнашди. Ҳар бир жамоадан 15 спортчи иштирок этди. Фестивал қатнашчилари бўлмиш йигитлар халқ ўйинларининг 5 тури, қизлар эса 3 тури бўйича куч синашдилар. Туманлардан келган халқ дасталари фольклорга оид кўшиқ ва рақсларни ижро этиб унутилаёзган қадриятларимизни тикладилар.

Фестивалда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларидан ташир буюрган меҳмонлар фаол қатнашиб, голибликни даъво қилдилар. Натигада ана шу вилоятларнинг вакиллари 40 та олтин, 40 та кумуш, 40 та бронза медалини ўзаро бўлишиб олдилар, бу ерда кўриқдан ташқари дор ўйинлари, бадий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари бўлди. Чавандозлар кўпқарида соврин талашдилар.

Азалий удумларимизнинг тикланишига бағишлаб ўтказилган ушбу республика фестивалида голиб чиққанларни Республика спорт кўмитаси, вилоят ҳокимлиги, қасаба уюшмалари вилоят кенгаши фахрий ёрликлар, қимматбаҳо эсдалик совгалари билан мукофотладилар.

**Алибой ЭРГАШЕВ,**  
"Ишонч" муҳбири.



### ИШОНИШ ҚИЙИН, ЛЕКИН...

• ЕР ЮЗИДА энг очкўз ва мечкай мавжудот ўримчакларнинг бир туридир. Бу мавжудотнинг "нонушта" вақтида ейдиган ҳажми ўзининг ҳажмидан 4 марта, "тушлиги" 9 марта, кечлиги эса 13 марта кўндир. Агар 70 килограмм оғирлигидаги бир киши ана шу ўргимчакдай тез ва кўп оқватланганда эди, унга бир кунда тахминан икки тонна оқват керак бўлар эди.

### ВАФОДОР ИТ

• ЭДИНБУРГДА бундан 50 йил муқаддам ўзининг марҳум хўжайинига фавқулодда содиқлик ва вафодорлик кўрсатган итга қўйилган

ҳайкал бор. Уша ит 8 йил давомида оқватланиш учун бориб келишга кетган 2-3 соатдан бошқа пайтларда марҳум хўжайинининг гўри устида қўриқчилик қилган. Бу ит вафодорлигидаги рекорддир.

### ЭНГ БИЖИЛДОҚ ОДАМ

• СИЗНИНГЧА, дунёда энг кўп гапирадиган бижилдоқ одам ким бўлиши мумкин? Бу саволга шведиялик олим Тогд Эразм, 4 ешли бола, деб жавоб беради. Унинг ҳисобича, бу ешдаги гўдак бир кунда тахминан 14 минг сўз айтиб ҳам чарчамас экан. Уша олим 4 ешдан 6 ярим ешгача бўлган 156 болани текшириб, шундай хулосага келган: агар бир ешдаги бола, одатда учтагина сўзни айта олса, ярим йилдан кейин у 26 та сўзни ўрганиб олади. 4 ешдан 4 ярим ешга қадар бўлган гўдаклар 920 тадан 1240 тагача сўзни билишади. 6 ярим яшар боланинг сўз бойлиги эса 2000 тадан

ошади, шу билан бирга бу бола 6000 та сўзнинг фаҳмига етади.

### ҚУЛОҚСИЗ ОДАМ

• ОДАМНИНГ қулоқсиз туғилганини эшитганмисиз? Изекиль Идс (Нью-Йорк) номли шахс қулоқсиз туғилган эди. Ҳатто унинг қулоқлари ўрнида ҳеч қандай тешик ҳам йўқ эди. Бироқ, Изекиль оғизларини катта очгани ҳолда товушни эшитаверарди. У 1884 йили вафот этган.

### ГҲАЛОМАНИНГ ДҲКОНИДА...

• ТЕҲРОННИНГ балиқ бозоридаги савдогар Гҳаломанинг дўконида ғалати мўъжиза рўй берди.

Одатдагидек бир кун эрталаб унга Каспий қирғиқларидан музлатилган балиқ келтирилди. Яшиқ очилиб, балиқлар эригач, улардан бирининг тирик эканлиги маълум бўлди. Уни олиб сувга қўйиб юборганларида балиқ гўеки

ҳеч нарса бўлмаганидек ҳайратда қолган харидорларнинг кўз ўнгига суза бошлади.

Айтишларича, ўша балиқ Гҳалома дўконининг рамзига, тирик рекламага айланиб қолибди.

### КУНКАТОРЛАР

• АҚШНИНГ Нью-Джерси штатида кункаторлар (бамайлихотирлар) клуби ташкил этилган бўлиб, бу клубнинг аъзолари газета хабарларини икки ҳафтадан сўнггина ўқийдилар. Уларнинг фикрига кўра бу муддатдан кейин ёмон хабарлар гўеки ҳеч кимни ранжитмас, яхши хабарлар эса яхшилигича қолаверар эмиш.

Улар телевизор томошаларини кўрмайдилар, радиони ҳам эшитмайдилар, ammo ҳар 20 кунда туғилган кунларини нишонлайдилар. Уларнинг мадҳияси "туғалланмаган симфония" бўлиб, нишонларида чиганоқларнинг расми тасвирланган.





## "ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ" УЧУН ТЕННИС ЎЙИНЛАРИ

1994 йилнинг 28 майдан 5 июнигача Тошкентда Республика Президент кубоги учун халқаро теннис ўйини бўлиб ўтади.

Мазкур ўйинни ўтказиш бўйича халқаро теннисчилар Федерацияси томонидан ишонч билдирилган ҳар бир мамлакат учун катта шарафдир. Аммо, бундай шарафга Тошкент шаҳри мушарраф бўлиши бежиз эмас. Чунки Ўзбекистонда биринчидан, халқаро тамойилга асосланган теннис қурилмалари барпо этилиши, эътиборли теннис ўйини

анъаналари ривож топиши сабаб бўлса, иккинчидан, кейинги йиллари республикамиз спортчилари халқаро мусобақаларда қатнашиб, юқори даражадаги галабаларни қўлга киритаётганларидир. Шу босдан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси теннис ўйинлари ўтказиш Федерацияси вице-президенти, "Динамо" теннис клуби президенти, республикада хизмат кўрсатган тренер Г. А. Дашевскийга мурожаат қилиб, Президент кубоги учун ўтказиладиган ўйин ҳақида таъриб беришни сўради:

— Республикаимизнинг теннис ўйинига кизиқувчи жамоаси Ўзбекистонда шундай кенг миқёсда турнир ташкил этиш ва ўтказишни кўпдан бери орзу қилиб келар эди. Мустақилликка эришганлигимиз муносабати билан юртимиз фақат сиёсий ва иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки спорт соҳаси бўйича ҳам халқаро алоқаларнинг кенг ривож топишига катта йўл очди. Бу борада анча-мунча ютуқларни қўлга киритдик. Спортчиларимиз қатор халқаро мусобақаларда қатнашиб, зафар қозондилар, юрtdош қизларимиз эса олимпик ўйинларида фаоллик кўрсатиб, чемпионлик унвонига сазовор бўлдилар. Теннисчиларимиз ҳам жуда кўп ўйинларда илгорликни қўлга киритдилар. Ўзбекистонимиз эса халқаро теннисчилар Федерацияси аъзолигига қабул қилинди. Шу муносабат билан анча-мунча спорт анжомлари билан таъминландик. Федерация ердамида кўпчилик Туркия, Покистон мамлакатларига сафар қилишди. Ана шу сафар пайлари қозонилган галабаларимиз ҳақида бутун дунёда гапира бошлашди. Шу йилнинг апрель ойида Доха (Катар) шаҳрида Дэвис кубоги учун ўтказилган мусобақада ҳам республикамиз

спортчилари биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар.

Капитан С. Обидов бошлиқ терма команда иштирокчилари О. Огородов, Д. Томашевич, Т. Ганиев, Ф. Гуломовлар ўз қобилиятларини моҳирона намойиш этиш билан муносиб олқишларга сазовор бўлдилар. Шунингдек, Ливан командаси билан бўлган ҳал қилувчи беллашувда ҳам юксак муваффақиятга эришдилар.

Шу йўсинда теннисчиларимизнинг обрў-эътибори ошиб борди. Улар билан беллашиш учун халқаро теннисчилар Федерациясининг ҳар бир вакили республикамизга бот-бот ташриф буюриши бизларни қувонтира бошлади. Ана шу жиҳатлар "Буюк ипак йўли" ва "Президент кубоги" учун ўйинлар ташкил топиши борасидаги орзу-ниятларимизнинг амалга ошишига сабаб бўлди.

— Бундай мусобақаларни ўтказиш жараёнлари арзонга тушмаса ҳам керак?

— Албатта. Бу ўйинларни ўтказиш катта харажат талаб қилади. Аммо ўйин давомида тушадиган маблағ ҳисобига ўша харажатларнинг кўп қисми қопланишига шубҳа йўқ. Бизнинг асосий ҳомийимиз

Ўзбекистон ҳукумати ҳисобланади.

— Ўйин ўтказиладиган кунлари учун махсус маданий дастурлар ҳам тузилаётгандир балки?

— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигидаги ташкилий кўмита "Президент кубоги" ўйинлари ниҳоятда юксак даражада ўтиши учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Шунинг учун тузилган дастурларимиз ҳам жуда пухта ва хилма-хил мазмунга эгадир. Мусобақа қатнашчилари ҳамда меҳмонлар теннис ўйинларидан ташқари энг яхши артистларимиз, санъат усталари ижросидаги томошалардан баҳраманд бўладилар. Бухоро, Самарқанд, Хива сингари ажойиб ва гаройиб шаҳарларимизни бориб кўрадилар. Уларни кўплаб қимматбаҳо совға ва мукофотлар ҳам кутмоқда.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат, Генрих Александрович! Мусобақалар жараёнида ўзаро беллашувлар қандай ўтаётганлиги ҳақида газетамизнинг навбатдаги сони орқали спорт мухлисларини хабардор қиламиз.



## БАРКАМОЛЛИК БАЙРАМИ

ПОЛВОНЛАРИ, мерганлари, чавандозлари бор юртининг қадди ҳамиша тик, кўкси мағрур, сўзи ўткир. Полвонлари, мерганлари, чавандозлари бор юртда орийат яшайди, номус яшайди, ҳурлик, эрк қадр топади. Ўзбекистон пахлавони, чавандози ҳамма даврда ҳам бор бўлган, доврўг таратган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида жисмонан соғлом, кўрқмас, полвон авлод давлат мустақамлигини белгилувчи омил деб қаралганлиги маълум. Республикаимиз истиқлолга эришганидан кейинги юртбошимиз фармонлари соғлом авлодни тарбиялашга қаратилгани ҳам, таъсис этилган илк нишон "Соғлом авлод учун" деб номлангани ҳам мустақил давлатимиз мустақамланишига эгадир.

Республика касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамяти қишлоқ спортчиларининг 1-спартакиадаси Андижонда бўлиб ўтди. Андижон азалдан кураги ер искаммаган полвонлар, Алпомиш келбат чавандозлар ватани.

Спартакиада очилиши маросимида қатнашган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Б. Жамолов, Андижон вилоят ҳокимининг муовини Н. Ш. Саидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раис муовини М. М. Тўлаганова, жаҳон чемпиони бўлиб танилган Руфат Рискиев ва бошқалар иштирокчиларни табриқлаб, мусобақа қатнашчиларига омад тиладилар. Шундан кейин Адҳамжон Ҳакимов, Собиржон Дадабоев, Маъруфжон Икромов каби йнгирмага яқин нуруний отахонлар оқ фотиҳа беришди. Касаба уюшмалари вилоят бирлашмасининг кекса спортчиларга аталган эсдалик совғалари топширилди. Тумонат одам йнгилган катта майдондаги турфа беллашувлар мухлисларини ҳам, ташкилотчиларини ҳам, спортчиларини ҳам ҳаяжонга солди. Уларнинг


бир нечтаси анжуман ҳақидаги фикрларини куйидагича изҳор қилдилар:

Маъмуржон ИКРОМОВ — Андижон вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси раис муовини, ташкилий кўмита раисининг муовини:

— Дастлаб қишлоқ спортчиларининг вилоят биринчилигини ўтказдик. Республика миқёсидаги байрамнинг тайёргарлиги ҳам ўзига хос маҳорат билан ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги билан ҳамнафас ишладик. Умум ҳазинадан 75 миллион, спортни эъозлаган ҳомий ташкилотлардан 60 миллион сўм маблағ ажратилди. Қишлоқ хўжалик илмгоҳининг спорт иншоотлари ҳам кўнгилдагидек тайёрланди. Кўпдан буён чала ётган бассейн қурилиб, фойдаланишга топширилди. Олтинқўлда эса ҳашаматли кураш сайилгоҳи қурилиши ниҳосига етказилди. Мана кўриб турибсизки, миллий кураш бўйича, чавандозлик, шарқона яккакураш бўйича ҳам Андижон спортчиларининг қўли баланд келди. Бу назаримда спортга нисбатан халқнинг ҳам, раҳбарларнинг ҳам яхши муносабати самарасидир. Катта анжуманнинг Андижонда ўтказилганлигидан мамнунимиз. Баҳонада анча-мунча кўнгилдаги ишларимизни амалга ошириб олдик. Ҳавас қилса арзигудек спорт майдонлари, мукамал спорт анжомларига эришдик. Айниқса қўлга киритилган катта совринлар спорт ишқибозларини янги галабаларга чорлайди.

Жўрабек БЕРДИЕВ — Бухоролик полвон:

— Бухородан 10 нафар полвон келгандик. Орамизда учта жаҳон чемпиони ҳам бор эди. Бухоро усулидаги курашда командамиз учинчи ўрин билан кифояланди. Аммо хафа эмасмиз. 70 нафар полвон билан танишдик, дўстлашдик. Бизга айниқса олтинқўллик полвонларнинг ҳамжиҳатлиги, мусобақага астойдил



тайёргарлик кўргани маъқул бўлди. Спартакиадан мақсад фақат соврин еки ўрин эгаллаш эмас. Асосий мақсад — спортни эларо янаям ривожлантириш. Анжуман ўз вазифасини аъло бажарди.

Соҳибжон ҲАСАНОВ — Тошкентлик спортчи:

— Миллий кураш турида пойтахт вилоятимиз 2-ўринга муносиб деб топилди. Аммо арқон тортиш, "отам, онам ва мен — оилавий спортчимиз" тури бўйича биринчилик бизда бўлди. Мусобақаларда иштирок этибгина қолмай томошабин сифатида ҳам хузур қилдик. От спорти устаси Уктамжон Ҳошимовнинг маҳорати айниқса хайратланарли бўлди. Марҳаматлик бу чавандознинг бешта баланд тўсиқдан ўтиши унинг ўзига ҳам, гиротига ҳам тенг келадиган бўлмади. Бу тинимсиз машқнинг натижаси албатта. Бўз туманидаги спорт мактабининг шарқона якка кураш соҳиблари айниқса қойил қолдирди. Балиқчилик волейболчиларнинг маҳорати ҳам таҳсинга сазовор бўлди. Умуман, андижонлик спортчиларга ҳавас қилдик.

Мини футбол, волейбол, стол тенниси, миллий кураш, арқон тортиш, шашка, шахмат, оилавий югуриш каби турлар ўз голибларни аниқлади. Яқунлар, хулосалар яхлитланиб, умум спартакиада голиблари ҳам эълон қилинди. Биринчи ўрин Андижон вилояти қатнашчиларига муносиб топилган бўлса, иккинчи ўрин эгалари Тошкент вилояти спортчилари бўлди. Учунчи ўринга эса Наманган вилоятининг спортчилари лойиқ деб топилдилар.

Замира РЎЗИЕВА,  
"Ишонч" мухбири.

Суратларда: қишлоқ спортчилари спартакиадасидан лавҳалар.

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир ўринбосари  
Акмал АКРОМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Тургунбой МАДИЁРОВ,  
Тургун НАЗАРОВ (масъул котиб),  
Маҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,  
Мухайё ТЎЛАГАНОВА,  
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,  
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ  
(бош муҳаррир).



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36  
• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89  
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79  
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-83  
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ  
МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ  
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24  
Бухорода — 3-50-10  
Гулистонда — 2-24-98  
Жиззахда — 2-31-41  
Навоийда — 3-52-99  
Наманганда — 6-22-10  
Нукусда — 2-44-46  
Самарқандда — 35-64-22  
Термизда — 2-70-07  
Тошкентда — 56-82-79  
Фарғонада — 4-28-29  
Урганчда — 6-03-40  
Қаршида — 5-33-71

• Мухарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТЎВДА эркин нарҳда.  
• Шанба кунлари чиқади.  
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:  
Санъат МАҲМУДОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.  
• 79524 нусхада босилди.  
• Наир кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат кўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-915.

1 2 3 4 5 6